O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 10 февраль ЧОРШАНБА

№ 11 (12.231)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

## ТАЛАБЧАНЛИК, АСОСЛИ ТАНҚИД, ЎРИНЛИ ТАКЛИФЛАР

**Вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, бошқармалар раҳбарлари, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.**

**Йиғилишни вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.**

Дастлаб 2009 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2010 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг муҳим устувор вазифалари муҳокама қилинди. Таъкидландики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кескин тус олаётган бир шароитда ғоят муҳим дастурий вазифалар изчиллик билан бажарилиши туфайли иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари сақланиши таъминланди. Ялпи ички маҳсулот 6,4, саноат маҳсулотлари ҳажми 7,5, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми 9,8, чакана савдо айланмаси 15,3, пуллик хизматлар 21,4 фоиз ўсишига эришилди.

Фаоллар йиғилиши асосий эътиборни Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 29 январда бўлиб ўтган 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга, иқтисодий самарадорликни ошириш, банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш масалаларига қаратди. Қишлоқларда уй-жой қурилиши, янги иш ўринлари яратишни жадаллаштириш, инфратузилмани ривожлантириш, ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида таълим даражасини кўтариш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш Баркамол авлод йилининг энг устувор вазифалари сифатида кўрсатиб ўтилди. Бу йил шаҳар ва туманларда 120 мингдан зиёд янги иш ўрни очишга эришиш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Юксак талабчанлик ва асосли танқид руҳида ўтган йиғилишда бир қатор шаҳар ва туман ҳокимлари, бошқарма бошлиқларининг ишдаги камчиликларни бартараф этиш, белгиланган дастурлар ижросига доир ахборотлари тингланди. Ҳар бир йирик корхона ва ташкилотдаги мавжуд иқтисодий салоҳиятни ҳаракатга келтириб, ўсиш суръатларини барқарор кўтариб бориш юзасидан зарур таклифлар ўртага ташланди. Муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Орипов сўзга чиқди.

МАРДЛАР ҚЎРИКЛАЙДИ ВАТАННИ!



## АСЛ ЙИГИТ АСКАР БЎЛАДИ

**Мамлакат Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида"ги қарорига асосан навбатдаги чақирув жараёни давом этмоқда.**

Вилоят чақирув пунктида фуқаролик бурчини бажариш учун хизматга шайланган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят мудофаа ишлари бошқармаси, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими вакиллари ҳамда ота-оналар иштирок этди.

Армия сафида хизмат қилиш бугун Ўзбекистон фуқаролари учун нафақат конституциявий бурч, айни пайтда том маънодаги шон-шараф ишига айланди.

– Ватаним олдидаги йигитлик бурчимни бажариш насиб этганидан хурсандман, – дейди Бекобод туманидан муддатли ҳарбий хизматга отланган Зуҳриддин Жумақулов. – Ҳарбий хизматни ўташ давомида тактик кўникмаларни пухта ва чуқур эгаллаб, келгусида шу соҳада фаолиятимни давом эттириш ниятидаман. Армия бу ҳақиқий ҳаёт мактаби.

Аскар ўғлининг ҳарбий сафда турганини кўрган ота-оналарнинг ҳам қувончи чексиз. Чунки уларнинг фарзанди бугун Ватани, халқи олдидаги йигитлик бурчини адо этиш учун шай турибди. Тадбир давомида Ватан ҳимоясига отланаётган ёшларга ташкилотчилар томонидан совғалар топширилди.



СУРАТДА: тантанали кузатиш маросимидан лавҳа.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

# ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

Пискент Паркент Ангрен Янгийўл Бўстонлик Бекобод Чирчиқ Зангиота Чиноз Тошкент Оққўрғон

### ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ

## ЭСТРАДА ЮЛДУЗЛАРИ БОЛАЛАР ҲУЗУРИДА

**Тумандаги 124-махсус интернат-мактабига ўзбек эстрадаси юлдузлари ташриф буюриб, болалар кўнглини шод этдилар.**

Таниқли эстрада хонандалари даврасида болалар ғоят яйраб-қувнаб, уларга қўшилиб завқ билан қўшиқ куйладилар, рақсга тушдилар.

Таниқли кино актёри Алишер Узоқовнинг ўзи иштирок этган фильмлар, уларнинг яратилиши ҳақидаги суҳбатини болалар катта қизиқиш билан тингладилар.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**

### ПАРКЕНТ ТУМАНИ

## НАВОИЙНИ ЎҚИБ ЎРГАНМОҚ КЕРАК

**Туман тадбиркорлик касб-ҳунар коллежида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, "Паркент тонги" газетаси ва бошқа касб-ҳунар коллежлари ҳамкорлигида ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллуд кунига бағишланган "Навоийни ўқиб ўрганмоқ керак" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Унда иштирок этган таниқли шоир, адабиётшунос, навоийшунос олимлар Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, унинг ғазалларидаги мукаммаллик, ўзига хос бетакрор жиҳатлари, ҳали ўрганилиши лозим бўлган асарларининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ҳақида сўзладилар. Шунингдек, коллеж талабалари томонидан Навоий асарлари асосида тайёрланган саҳна кўринишлари, адабий-бадиий композиция йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Саида РАҲМОНОВА.**

### ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

## БИЛИМ ЮРТИ БИЛАН ТАНИШУВ

**Шаҳар мудофаа ишлари бўлими ташаббуси билан ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида шаҳар Олий Танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантлари билан учрашув бўлиб ўтди.**

Унда республикамиздаги ҳарбий билим юртларига кириш истагидаги ёшлар, ҳарбий билим юртлари зобит ва курсантлари иштирок этди. Учрашув давомида ёшларга мамлакатимиздаги ҳарбий билим юртлари тарихи, таълим йўналишлари, қабул қилиш шартлари ҳамда яратилган шароитлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

### ТОШКЕНТ ТУМАНИ

## ФЕРМЕРЛАР МУРУВВАТИ

**"Ҳасанбой-Агро-Нур" фирмаси тумандаги 1-вилоят болалар сил касалликлари сиҳатгоҳига беминнат ёрдам кўрсатди.**

Болажонларга турли кийим-кечак ва бежирим пойабзаллар улашилди. Шунингдек, сиҳатгоҳ рўзғори учун ун, шакар, гуруч, ўсимлик ёғи ва турли сабзавот маҳсулотлари совға қилинди.

### ҚИБРАЙ ТУМАНИ

## МЕРГАНЛАР БЕЛЛАШДИ

**Қибрай ўқув спорт-механика клубида мерганлик бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда 10 та жамоа, 40 дан ортиқ ёшлар ўзаро беллашди.**

Якуний натижаларга кўра, жамоалар ўртасида 1-ўрин Энергетика касб-ҳунар коллежига насиб этди. Кейинги поғонани Чингелди маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи жамоаси банд этди.

Шахсий биринчилик беллашувларида эса молия касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Фурқат Норматов ғолиб бўлди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

## ГЛОБАЛ МУАММОГА БАҒИШЛАНДИ

**Пойтахтдаги "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида "Иқлим ўзгариши бўйича халқаро ҳаракатлар – 2009" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.**

Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги вакиллиги ва Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган семинарда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган қўмитанинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси раҳбарлари, "Атроф-муҳит ва соғлом ҳаёт" жамоатчилик ташкилоти ходимлари ва соҳа мутахассислари иштирок этди.

Семинар давомида Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва вилоят марказларида атроф-муҳит муҳофазаси юзасидан қилинаётган ишлар, атмосфера ҳавосини асраб-авайлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар, экологик вазият ва уни яхшилаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, табиий манбалардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни қайта тиклаш устидан давлат назоратини амалга ошириш борасида сўз борди.

**"Туркистон-пресс".**

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни янада такомиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.**

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида бўлиб ўтган йиғилиш давлатимиз раҳбари томонидан суд органлари ходимлари олдига қўйилган вазифалар ва уларнинг ижросига бағишланди.

Йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилгани алоҳида қайд этилди. Бу борада қабул қилинган қонунлар асосида суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилди.

Жиноий жазо тизимини либераллаштириш, амалда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш жараёнларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, адвокатура институти ислоҳ этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди.

Бу каби чора-тадбирларнинг амалий ифодаси суд-ҳуқуқ тизимида, хусусан, суд органларида хизмат қилаётган ходимларнинг масъулиятига ҳам боғлиқ. Зеро, уларнинг фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, бошқача айтганда, жамиятда қонун устуворлиги тамойили тўла амалга ошишига хизмат қилади. Тадбирда бу борада суд органлари олдида турган вазифалар, соҳани янада такомиллаштириш борасида эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатлар хусусида фикрлашилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари М. Ражабова сўзга чиқди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЭРМАТОВ – ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҲАКАМИ

**2010 йилнинг 11 июнь куни Жанубий Африка Республикасида бошланадиган футбол оламининг энг нуфузли мусобақаси – жаҳон чемпионати учрашувларини бошқаришга номзод бўлган дунё бўйича эллик тўртта ҳакамлар бригадаси уч йил давомида сараланди. Ниҳоят, испаниялик Анхель Мария Вильяр Льон раҳбарлигидаги ФИФА Ҳакамлар қўмитаси йигирма саккизта давлатдан ўттизта ҳакамлар бригадаси жой олган якуний рўйхатни тасдиқлади.**

Унда ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов ва унга кўмаклашадиган ён ҳакамлар – яна бир ҳамюртимиз Рафаэль Илёсов ва қирғизистонлик Баҳодир Кўчқоров ҳам бор.

Жанубий Африка Республикасидаги жаҳон чемпионатида Европадан ўнта, Жанубий Америкадан олтита, Осиё, Африка, Шимолий Америкадан тўрттадан ва Океания минтақасидан иккита ҳакамлар бригадаси иш юритади. Р. Эрматов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари вакиллари орасида ушбу жаҳон чемпионатига жалб этилган ягона бош ҳакам ҳисобланади.

Р. Эрматовнинг жаҳон чемпионати ҳакамлари рўйхатига киритилиши ўзбек футболининг яна бир ютуғидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 майда қабул қилинган "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида малакали ҳакамлар тайёрлаш, уларнинг тажрибаси ва малакасини ошириш каби долзарб вазифалар белгилаб берилган ва бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Р.Эрматов каби халқаро миқёсда юқори савияда фаолият кўрсатаётган ўзбекистонлик реферилар сафи тобора кенгайиб бораётгани бунинг далилидир.

**ЎзА.**

## МАРАФОНГА МАРҲАМАТ!

**Ҳар йили вилоят ҳокимининг махсус фармойишига асосан вилоятда Қизил ярим ой жамиятининг "Хайр-эҳсон" декадасини ўтказиш яхши анъанага айланган. Баркамол авлод йилида ҳам жамиятнинг ана шу эзгу ташаббуси вилоят бўйлаб кенг қулоч ёймоқда.**

**Ёшлар ўртасида меҳр-шафқат ва инсонпарварлик ғояларини янада кенгроқ тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш, кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, вилоят тиббий-ижтимоий ўқув маркази ҳамда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят кенгаши фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 10-20 февраль кунлари вилоятда "Хайр-эҳсон" декадаси ўтказилади.**

Вилоят ҳокимининг фармойишига асосан декаданинг махсус марафонини 12 февраль куни Қибрай туманида ўтказиш белгиланди. Айни пайтда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Қибрай туман ҳокимлиги ва бошқа тегишли ташкилот ва идоралар жамиятнинг вилоят кенгаши билан ҳамкорликда тадбирни юқори савияда ташкил этишга пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Мазкур ўн кунлик мобайнида вилоятимизнинг турли ҳудудларида оммавий-маданий томошалар, хайрия акциялари, кино, театр, концерт дастурлари намойиши, спорт беллашувларини ўтказиш кўзда тутилган. Шунингдек, жамиятнинг хайрли мақсадларини қўллаб-қувватлаш учун вилоятдаги мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотлар меҳнаткашларининг бир кунлик иш ҳақлари жамоа розилиги асосида жамият ва унинг туман ва шаҳарлардаги кенгашлари ҳисоб рақамига ихтиёрий равишда ўтказилади.

Хайрли ва эзгу ташаббусга бош қўшмоқчи бўлганлар учун Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти вилоят кенгашининг ҳисоб рақамларини эслатиб ўтамиз:

Тошкент шаҳар "Ипотека-банк" меҳнат фил. ҳ/р. 20212000900101740001, ИНН 200896787, МФО 00423.

**Марафонга марҳамат!**

2010 йил учун ОБУНА давом этмоқда ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси — 205.

ФАРМОН ВА ИЖРО

# ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИ – МУҲИМ ВАЗИФА

## 2009 йилда Тошкент вилоятида 44 мингдан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланди

Мамлакатимизда аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш, хусусан, хотин-қизлар ва ёшларни иш билан таъминлаш масаласига катта аҳамият берилмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоялаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан мазкур фармон ижроси юзасидан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилаётир.

Ўтган йили "Аҳолини иш билан таъминлаш" ҳудудий дастурига кўра, вилоят иқтисодиётининг барча соҳаларида 85 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Шунинг 44 мингдан кўпроғи хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келади.

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 5 январда қабул қилинган "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳам жойларда иш билан банд бўлмаган аҳолини уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга жалб этиш, касаначиларнинг ижтимоий ва меҳнат кафолатларини таъминлаш борасида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган йили вилоятда касаначилик асосида хотин-қизлар учун беш мингдан ортиқ иш ўринлари очилгани ҳам бунинг яққол далилидир.

– Касаначилик биз, аёллар, айниқса, уй бекалари учун ҳар тарафлама қулайлик туғдирмоқда, – дейди Зангиота туманидаги "Бўзсув" қишлоқ фуқаролар йиғинидан У. Ҳамдамова. – Фарзандлар тарбиясидан ортиб, қўшимча даромад қилишга имкон топа олмаётган эдим. Туманимиздаги Бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари бу борада менга ёрдам беришди.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**




# ЭНГ ЯХШИ ДЎСТ ИЛМДИР

**Соҳибқирон бобомиз Амир Темур "Илм – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир" – деганлар. Зеро, илм инсонни комилликка етаклайди.**

Юртимиз таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотлар ҳам ёшларнинг жисмонан соғлом ва ақлан комил шахс бўлиб етишишларига қаратилган.

Оҳангарон туманидаги Нуробод қишлоқ хўжалик ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида 800 нафардан зиёд ўғил-қизлар илм олиб, касб ўрганмоқдалар. Улар бошланғич таълим, молия, банк иши, солиқлар ва солиққа тортиш каби ўндан зиёд йўналишлар бўйича таҳсил оладилар. Шунингдек, "Ёш иқтисодчи", "Ёш математик" ҳамда спортнинг стол тенниси, баскетбол, волейбол турлари бўйича тўгараклар ўқувчилар бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун хизмат қилаётир.



– Бугунга қадар 1800 нафардан ортиқ турли соҳа мутахассисларини тайёрладик, – дейди коллеж директори Улуғбек Тўхтаев. – Шулардан айримлари олий ўқув юртларида ўқишни давом эттираётган бўлса, қолганлари ўз соҳаларида ишламоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, бу ерда ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Хоналар кенг, ёруғ, компьютер технологиялари билан жиҳозланган. Иккита ахборот-ресурс маркази ҳам доим ўқувчилар билан гавжум. 48 олий тоифали ҳамда 22 амалиёт ўқитувчилари уларга сабоқ бермоқдалар.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** коллеж талабаларининг бир гуруҳи; касб таълими ўқитувчиси Абдуҳамид Акбаров машғулот пайтида.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА

# ТАНҚИД – КЕЛАЖАК МЕВАСИ

**Меҳнаткашларнинг энг оммавий жамоат ташкилотлари – касаба уюшмаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланди. Уларда ташкилотларнинг ҳисобот давридаги фаолияти муҳокама қилиниб, давлат бошқаруви идоралари, хўжалик ташкилотлари ҳамда касаба уюшмалари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш асосида Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш вазифалари белгилаб олинаётир.**

– Ўзбекистон касаба уюшмаларининг низомларига биноан ҳисобот-сайлов кампанияси ҳар беш йилда бир марта ўтказилади. Шу кунларда корхона, ташкилот ва муассасалар таркибий бўлинмаларида фаолият кўрсатаётган касаба гуруҳлари ва ташкилотлари, цех касаба ташкилотлари, касаба қўмиталари, бирлашган қўмиталарда шундай йиғилишлар ўтаяпти. Касаба ташкилотларининг бу бўғинида ҳисобот-сайловлар март ойининг охирида якунланиб, апрель-май ойларида тармоқ касаба уюшмаларининг туман, шаҳар ва бирлашган ташкилотларида ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилади. Уларда сайланган вакиллар касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмасининг конференциясида иштирок этадилар. Бирлашма кенгашининг раёсати бу конференцияни август ойида ўтказишга қарор қилди.

Ҳисобот-сайловлар шунчаки, муайян даврда у ёки бу ташкилотда амалга оширилган ишлар сарҳисобидан иборат бўлмайди, албатта. Бу касаба ташкилотлари фаолиятида ғоят муҳим, белгиловчи босқич бўлиб, шу йиғилиш ёки конференцияларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида иқтисодиётни юксалтиришда, меҳнат аҳлини халқимизнинг азалий қадриятлари асосида тарбиялаш, меҳнатсевар, ўз Ватанининг содиқ фарзандлари бўлган баркамол авлодни вояга етказишда касаба ташкилотлари, уларнинг ҳар бир аъзосининг фаол иштирокини таъминлаш вазифалари белгилаб олинади.

Касаба ташкилотлари меҳнат жамоалари, ўқув ва илмий-маданий муассасалар, шаҳар, туман ва вилоят ижтимоий ҳаётида катта куч. Буни шундан ҳам кўриш мумкинки, бугунги кунда вилоятимизда 2734 та бошланғич ташкилот, 11 та тармоқ касаба идораси фаолият кўрсатмоқда. Улар иш берувчилар билан 12 минг 97 та жамоа шартномаси, тармоқ ва ҳудудий битимларга таяниб, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари, бошқа ижтимоий манфаатларини муҳофаза қилмоқдалар, ишловчилар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ҳамда соғломлаштириш масалалари билан шуғулланмоқдалар.

Бу йилги ҳисобот-сайловлар мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий фаоллик ҳар қачонгидан кучайган бир пайтда ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурган вазифалар мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат устувор мақсадларни рўёбга чиқаришда касаба ташкилотларининг иштирокини яна ҳам фаоллаштиришни талаб этади. Улар иш жойларини аттестациялаш асосида ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши, меҳнат қонунлари амал қилиши, иш ҳақлари вақтида тўланиши учун фаол иш олиб бораётир.

Шу кунларда корхона ва ташкилотларда меҳнат жамоалари йиғилишлари ўтаяпти. Уларда жамоа шартномалари ва битимлар қандай бажарилаётгани таҳлил қилиниб, ишлаб чиқаришдаги камчиликларни бартараф этиш, меҳнат ва технологик интизомни кучайтириш вазифалари белгилаб олинаяпти.

Ҳисобот-сайловлар даврида олдимизда турган яна бир муҳим вазифа касаба етакчилари таркибини ёшартириш билан боғлиқ. Бугун меҳнат жамоаларида мустақиллик йилларида ўрта махсус ва олий билим олган кўплаб иқтидорли мутахассислар жамоатчилик топшириқларини муваффақиятли бажаришаётир. Шундай ташаббускор ёшлар ҳисобига касаба фаоллари таркибини янгилаш ўтаётган ҳисобот-сайловлардаги ғоят муҳим вазифадир.

Йиғилишларни очиқ-ошкора руҳда ўтказмоқ лозим. Бунинг учун касаба фаоллари пухта тайёргарлик кўришлари, маърузалар бажарилган ишларнинг танқидий таҳлили руҳида бўлиши лозим.

Яна бир мулоҳаза. Бугун меҳнат жамоаларида мустақиллик йиллари ўсиб камолга етган ёш мутахассислар, ишчи-хизматчиларнинг фаоллигини кучайтириб бориш ва уларни касаба гуруҳлари, цех ва бошланғич ташкилотлар етакчилигига сайлаш вақти келди. Касаба фаолларини мунтазам ёшартириб бориш ташкилотларимиздаги саъй-ҳаракатларни жонлантиришга, касаба ташкилотлари фаолиятини жўшқинлаштиришга хизмат қилади. Бу фуқаролик жамиятини шакллантириш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялашда самарадорликни кучайтириши шубҳасиз.

**Жаҳонгир САИДОВ,**
**касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари.**

ПАРТИЯЛАР ҲАЁТИДАН

# ЎН ОЛТИ ЯНГИ АЪЗО

**Авангард қишлоғидаги 124-махсус мактаб-интернатнинг педагогик жамоаси Ўртачирчиқ тумани ижтимоий-сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Миллий ғоя тарғиботи, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтиришга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиш туфайли у минтақа фуқароларининг ишончи ва эътирофига сазовор. Буни шундан ҳам кўрса бўладики, халқ вакиллик органларига яқинда ўтган сайловда шу жамоанинг икки аъзоси – мактаб-интернат директори Тамара Абдуҳакимова билан хўжалик мудири Фурқат Анорқулов халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига сайланди.**

Куни кеча шу жамоада республика Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган анжуман ўтказилди. Уни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг вилоят кенгаши ташкил этди. Маърузачилар ва нотиқлар ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни ривожлантириш, халқ турмуш даражасини кўтариш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда депутатларнинг фаол иштироки муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлашди.

– Сайловда партиямизнинг 15 аъзоси мутлақ кўпчилик овоз олиб, халқ депутатлари туман кенгаши депутатлигига сайланиши эл ишончининг ёрқин ифодасидир, – деди туман партия кенгашининг раиси Фурқат Абдужабборов. – Халқ депутатлари туман кенгашининг биринчи сессиясида партиямиз вакилларидан Эгамберди Эрназаров, Қаюмбой Деҳқонбоев, Комилжон Шокиров, Исматулла Неъматуллаев доимий комиссияларнинг раислигига сайланишди. Бу – жуда катта куч. Эндиликда партиямиз нималарга қодир эканлигини амалда кўрсатишимиз керак.

Анжуман иштирокчилари сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ қилиш, жамиятни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, ҳар жиҳатдан баркамол янги авлодни тарбиялашда туман кенгашидаги партия гуруҳи, доимий комиссиялар ва ҳар бир депутатнинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган истиқболли режалар ва дастурий вазифаларни аниқлаб олишди.

Анжуман сўнгида мактаб-интернат педагог-ўқитувчиларидан 16 киши ХДП сафига қабул қилишни сўраб ариза берди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**

# ТАДБИРКОРЛАРГА ЭЪТИБОР

**Ўзбекистон савдо-саноат палатасида Гёте институти билан ҳамкорликда тадбиркорларга чет тилини замонавий технологиялар асосида ўргатиш йўлга қўйилди.**

Бу ерда турли ўқув марказлари ташкил этилган бўлиб, улардан бири "Redaktion-D" дастури ҳисобланади. Ушбу курс тингловчилари немис тилидан нафақат анъанавий машғулотлар шаклида, балки дистанцион, яъни масофадан туриб сабоқ олади. Тингловчиларга махсус китоб ва тарқатма материаллар ҳамда масофадан туриб ўқитиш "Redaktion-D" дастури туширилган дисклар тақдим этилган.

Шунингдек, немис тилини мустақил равишда ўрганмоқчи бўлган кўнгиллилар учун Гёте институтининг расмий сайти орқали сиртдан сабоқ олиш имкониятлари яратилган.

**Хуршид НЕЪМАТОВ,**
**"Туркистон-пресс".**

# ПЛАСТИК ИДИШ ҚУЛАЙ, АММО...

**Кейинги юз йил давомида инсониятнинг табиатга нотўғри муносабати туфайли ер юзида катта экологик муаммолар юзага келди. Иқлим ўзгариши, ер унумдорлигининг бузилиши, сув танқислиги ва ифлосланиши, биохилмахилликнинг қисқариши ер сайёрасини тобора кенг қамраб оляпти. Агар инсоният ушбу экологик муаммоларни ўзаро ҳамжиҳатликда ҳал қилмас экан, келгусида янада оғир оқибатларга дуч келиши мумкин.**

Мамлакатимизда экоҳаракатнинг ташкил этилиши ҳамда Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига илк бор Ўзбекистон Экоҳаракатидан 15 нафар депутат сайланиши ҳам минтақамизда экологик соғлом муҳитни барқарорлаштириш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлими, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида ташкил этилган "Ҳududдаги экологик вазият, муаммо ва ечимлар" деб номланган давра суҳбати шу мавзуда бўлди.

Давра суҳбати иштирокчилари минтақамиздаги бугунги экологик вазият ҳамда унинг олдини олиш мақсадида тузилган Ўзбекистон экологик ҳаракати дастури билан таништирилди.

– Марказий Осиёда экологик хавфсизликни таъминлаш нафақат шу ҳудудда яшовчи халқларнинг ҳаёти ва тақдирига бевосита алоқадор, балки глобал аҳамитятга эгадир, – дейди Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлимидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Сергей Самойлов. – Мустақиллик йилларида мамлакатимизда экологик муаммоларни ҳал қилиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш борасида муайян тажриба орттирилди. Аммо соҳадаги вазифаларнинг миқёс ва кўлами мамлакатимиз ва минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини яхлит ҳолда ҳал этишда давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Соғлом атроф-муҳит муҳофазаси давлат, жамият ва ҳар бир инсоннинг вазифаси бўлмоғи лозим. Мақсад ҳозирги ва келгуси авлодни қулай табиий шароитда яшаш ҳуқуқларини, аҳоли саломатлигини яхшилаш, табиий ресурслар мажмуини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлашдир.

Вилоятимиз гўзал ва баҳаво табиати ҳамда ранг-баранг ҳайвонот олами билан алоҳида ажралиб туради. Бу хушманзара маконни турли экологик таҳдидлардан сақлаш, келажак авлод учун асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимизга айланиши керак. Давра суҳбатида Бўстонлиқ, Пискент, Оққўрғон туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳридаги экологик аҳвол хусусида фикр алмашилди, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Албатта, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда завод, фабрикаларнинг ўрни катта, лекин улар табиатга зарар келтириш эвазига фаолият кўрсатиши керак эмас. Тожикистондаги алюмин заводи бунга яққол мисол бўла олади. Бугун заводдан чиқаётган заҳарли чиқиндилар нафақат атроф-муҳит ва ҳайвонот оламини, балки одамларни ҳам заҳарлаяпти.

Бугун савдо шахобчаларида елим идишли ичимликлар кўпайиб кетди. Кўча-кўйларда айниқса, ариқ бўйларидаги сув қувурларини тўсиб ётган елим идишлар кишини ранжитади. Пластик чиқиндилардан қандай қутулиш мумкин? Бу савол бугун ҳаммани ўйлантирмоқда. Ҳозир хорижий давлатларда пластик маҳсулотлар ўрнига шишали идишлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг экологик тоза маҳсулот эканлиги аллақачон исботланган. Қонунчилик палатаси томонидан шу муаммо ечими юзасидан зудлик билан тегишли таклифлар киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Давра суҳбатида вилоятдаги экологик вазият, унинг инсон саломатлигига таъсири, муаммоларни ҳал этишнинг илмий асослари мавзуларида фикр алмашилди.

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**Мамлакатимизда томчилатиб суғориш тизимини изчил жорий этиш, бунинг учун зарур асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ этиш бўйича тегишли давлат дастурларида белгиланган муҳим вазифалардан биридир. Бундан кўзланган асосий мақсад тупроқ унумдорлигини тубдан ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан иборат.**

# ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ – ТЕЖАМКОРЛИК ОМИЛИ

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январда қабул қилинган "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори самарали, сувни тежовчи технологияларга эҳтиёж ортиб бораётгани қайд этилган. Қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда сувдан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган суғоришнинг истиқболли услубларини жорий этишга боғлиқ.

Ўтган йили бўлиб ўтган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар II республика ярмаркасида мамлакатимиз олимларининг томчилатиб суғориш технологияларига оид таклифлари кенг намойиш этилган эди.

– Истиқболли технологиялар Тошкент ва Жиззах вилоятининг тоғолди туманларида синовдан ўтказилди, – дейди Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти суғориш техника ва технологиялари бўлимининг етакчи мутахассиси Зоя Цой. – Ушбу усулда суғоришнинг асосий принципи шундан иборатки, сув ўсимликнинг фақат илдизига боради. Сув ва ўғитлар бериш тартибини бошқариш ўсимликларнинг ўсишини тезлаштириш ёки секинлаштириш имконини беради, мевалар, ўсимлик массаси ривожланишига таъсир кўрсатади. Узумчиликда сувни тежаш 45, боғдорчиликда 40, мева-сабзавотчиликда 35-45 фоизни ташкил қилади. Бунда истиқболли технологиялардан фойдаланишда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш кўрсаткичи 15-30 фоизга етади.

Жорий йилда Наманган, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Навоий вилоятларида 10 гектарлик кўргазма участкалари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Сув муаммолари институти ҳамда Тошкент ирригация ва мелиорация институти олимлари томонидан ҳам томчилатиб суғориш бўйича паст босимли тизим схемаси ишлаб чиқилди. Унинг муаллифи – Фанлар академияси Сув муаммолари институтининг илмий ходими Бахтиёр Усмоналиев. Янги ишланманинг ўзига хос хусусияти унинг конструкцияси оддийлигидадир. Бунда тизим нархи хорижий тизимларникига қараганда 2-3 баравар камдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг гранти янги суғориш тизимидан фермерлар ҳам фойдаланиши учун қулай имкон яратди. Ўтган йили Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги "Тожи-Ислом" фермер хўжалигининг шўрланган ерларида ушбу тизим биринчи марта синовдан ўтказилди. Пахта етиштиришда 40 фоиз сув тежаб қолинди, ҳосилдорлик эса гектаридан 36,3 фоиздан ошди.

Янги тизим билан бошқа ҳудудлардаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ҳам танишди. Ушбу янгилик Андижон ва Қашқадарё вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси фермерларида ҳам қизиқиш уйғотди.

Айни пайтда ҳар икки институт олимлари нанокўшимчаларни қўллаган ҳолда, суғориш шлангларининг ишончлилиги ва узоқ муддатга яроқлилигини ошириш устида ишламоқда.

Мамлакатимиз бозоридаги эҳтиёжни инобатга олиб, кўплаб фирмалар фермерларга томчилатиб суғориш учун зарур ускуналарни таклиф этмоқда. Жумладан, "Санипласт" қўшма корхонаси 2009 йилда сабзавотлар, ғалла ва полиз экинлари етиштириш билан шуғулланадиган Навоий вилояти Нурота туманидаги "Ашур-бобо", Жиззах вилояти Зомин туманидаги "Ватан" фермер хўжаликларида жами 50 гектар ерда томчилатиб суғориш тизимини жорий этди. Ишлаб чиқарувчилар кузатуви томчилатиб суғориш тизимидан боғдорчиликда фойдаланиш осон ва арзон, аммо сабзавот экинлари етиштириладиган майдонларда мураккаброқ эканини кўрсатди. Бу, маълум даражада, ҳайдаладиган экин майдонларида томчилатиб суғориш тизимини ҳар йили йиғиштириб олиш зарурлиги, боғ ва узумзорларда эса бу тизимлар бир ўрнатилганича ўн йиллаб ишлатилиши билан боғлиқ.

Томчилатиб суғориш тизимлари ишлаб чиқувчи ва ишлаб чиқарувчилари бу йил ҳам Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар III республика ярмаркасида аввалгидек фаол иштирок этади.

**В. РУДАКОВА,**
**ЎзА мухбири.**



# МУРҒАК ТИЛЛАРДА АЖДОДЛАР КАЛОМИ

**Чирчиқ шаҳридаги 7-умумтаълим мактабида шеърият мулкининг икки султони Мир Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунларига бағишланган адабий-маърифий кеча бўлиб ўтди.**

Тадбирда бошланғич синф ўқувчилари Умиджон Яхшиев, Жавохир Солиев ва Мафтуна Ваҳобованинг Навоий, Бобур, Гули образларини мароқ билан ижро этишлари, ғазал ва рубоийларни қироат билан ўқишлари барчага манзур бўлди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Утерянный аттестат о среднем образовании Д № 787309, выданный школой № 208 Мирзо Улугбекского района г. Ташкента на имя Петраковой Марины Даниловны, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "AMINA KLASSIK BIZNES" (ИНН 207040526) Чиланзарского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 300.000.000 сумов до 272.380.000 сумов.

Юнусобод туманидаги "RAPISON PLUS BIZNES" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 301074224) **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод-13-4-46 манзилида қабул қилинади.

Утерянный гувохнома за № 55399 от 30.11.04г., выданное Городским департаментом статистики на имя "Ташкентского городского корейского культурного центра" (ИНН 204753455), **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный план на квартиру, расположенный по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, Лисунова 1-А, дом 59, кв. 153, выданный Хамзинским БТИ на имя Таташина Павла Георгиевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ЧП "JASMIN-ZIYO" (ИНН 300961474), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията С. Рахимовского района г. Ташкента (реестровый № 002851-05 от 14.10.2008г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, С. Рахимовский район, ул. Абдурахманова, дом 70 сообщает об уменьшении уставного фонда с 60.000.000 сумов до 15.800.000 сум.

Претензии принимаются с момента опубликования указанного объявления. Тел.: 226-52-55.

ООО "FORTESS TRADE", зарегистрированное в Мирзо Улугбекском хокимияте г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 10.562.000 сумов до 3.000.000 сумов. Тел.: 452-32-32.

ООО "STROY AKCENT" (ИНН 301238944, ОКПО 22863629), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар-31, дом 45, кв. 167,

**ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 09.02.2010г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 761-28-36.

## БОЛАЛАР СПОРТИ

# ҲИСОБ 7:1 БЎЛДИ

**Тошкент шаҳрида 1997 йили туғилган ўсмирлар футбол жамоаларининг халқаро ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.**



Унда "Ўзметкомбинат" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси "Металлург" футбол клубининг тажрибали устоз Шерали Бобоқулов мураббийлик қилаётган жамоаси Қозоғистон Республикасининг Октава шаҳри болалар футбол мактаби жамоасига қарши ҳужумкор ўйин кўрсатиб, 7:1 ҳисобида ғолиб чиқишди. Умидли ўйинчилардан Сирожиддин Тошпўлатов билан Азизбек Матмусаев рақиб жамоа дарвозасини уч мартадан забт этишга муяссар бўлишди.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

## ШУКРОНА

# ЭЛ СЕНИ ГАР ҚЎЛЛАБ ТУРСА...

*Шоир ва публицист Ҳамид Норқул шеърият бўстонига ўзининг дилтортар, ҳозиржавоб шеърлари билан ўзгача файз, тароват бағишлаб келаётган ижодкорлардан. Баъзан Ватани сарҳадлари узра бўйлаган соғинч туйғуларининг ипга тизилган маржондек жилоланиши кўзингни қамаштирса, баъзан миллат шаънига пояндоз бўлган қалб нидолари чуқур ўйга толдиради. Эътиборингизга ҳавола этилаётган самимий сатрлар сизларга ҳам жўшқинлик, ўзбекона ғурур, ифтихор туйғуларини бахш этса не ажаб...*



### МЕҲМОНДЎСТЛИК

*(Ҳангома)*

Қай бир йили, кўп бўлгани йўқ,
Келган эди Чиндан меҳмонлар,
Бағримизни очиб юбордик,
Биз ўзбеклар, яъни мезбонлар.

Дастурхонга қўйдик ноз-неъмат,
Қази-қарта, сомса, "шашлик"лар.
Бир келганда қойил қолсин деб
Ош устига босдик какликлар.

Тавба, жуда қизиқ халқ экан,
Қайнатилган гуруч сўрайди.
Қозон кабоб, димлама берсак,
Қорнимизга ҳайрон қарайди.

Меҳмон ахир отангдай улуғ,
Меҳмон қилиб уйга чақирдик.
Хуллас калом, ўн кун ўн уйда
"Яша дўстлик" дея бақирдик...

Еган оғиз уялар деган,
Чақиришди бизни меҳмонга.
Беш-олтита бўлиб бордик, биз
Таҳсин айтиб шундай замонга.

Пекиндаги меҳмонхонада,
Ресторанда кутиб олишди.
Таъзим қилиб хизматчилари,
Роса хижолатга қўйишди.

Дастурхонда ҳамма нарса бор,
Ўтдан тортиб ўланигача.
Бизга ўхшаб ичишмас улар,
Қадаҳни ҳам тўлалигича.

Ўттиздан кўп, таомлари мўл,
Лекин улар нон емас экан.
Биз бечора қийналиб кетдик,
Ҳатто ошга нон қўшиб еган.

Ҳа, майли деб кўндик бунга ҳам,
Уйларига борсак еярмиз.
Нон бу дўстлар, дунёдаги энг
Ширин, азиз неъмат деярмиз.

Кунлар ўтиб бораверади,
Ҳеч ким уйга юринг, демайди.
"Етар энди меҳмонхона" деб
Эшик очиб биров келмайди.

Орамизда бир соддамиз бор,
Бир кун савол берди мезбонга.
"Уйларингиз борми биродар,
Кўрпачалар деган... меҳмонга".

Елка қисди мезбон қимтиниб,
Бундай урфни қайдан ҳам билсин.
Яша дедик Ўзбекистоним,
Яшавор-эй, меҳмондўст элим.

Қайтдик, яна юртимизга шод,
Келган заҳот ўпдик нонимиз.
Бирдан тоғдек юксалиб кетдик,
Бошимизга соя шаънимиз.

Уч кун ўтмай яна меҳмонлар,
Бу галгиси японлар экан.
Роса кутдик...
Ниятимиз бор
Бу юртни ҳам кўрамиз, деган.

### СОҒИНЧ

Дунёда бахтлидир соғинган одам
Дийдор юрагида тонгдай отади,
Ўзига сиғмайди, қушга айланар,
Юмшоқ болишига тушлар ботади.

Соғинчи ёмғирга айланади гоҳ,
Майсалар шивирлаб чечандир гапга.
Кимдир чақиргандай бўлаверади,
Тинимсиз ўгрилар ўнг, сўнгра чапга.

Одамга дунёда кўп нарса керак,
Ҳаловат, соғлиқ ва бекам-у кўстлик.
Бойлик ҳам, омад ҳам, ҳатто ҳушёррок
Яшашга ундовчи душман-у, дўстлик.

Барибир кўксингда бир туйғу тирик,
Ардоқлаб яшасанг арзийди уни.
Айт, қайси бахтдан кам, дунёда кимдир,
Ҳар куни соғиниб яшаса сени...

### ИККИ ОҒИЗ ГАПИМ БОР...

Ҳамма ҳам ўзича ақлли, доно,
Ҳеч ким кимлигига ўйи етмайди.
Нодонлар дунёга келганича йўқ,
Донолар тирикдир, ҳали кетмайди.

Ким ўзар ўйинга ўхшайди ҳаёт,
Чангиб кетган гўё бу йўлда тупроқ.
Чалиниб кетганлар майли-ю, лекин
Чалиб йиқитганлар улардан кўпроқ...

### СИЗНИ КЎРАМАН

*Бугунимни ичиб*
*бўлди Вақт,*
*Жар лабида*
*тайёр тураман.*
*Қанот ўсиб чиқди*
*елкамдан,*
*Мен эртага*
*сизни кўраман.*

*Тамом бўлмас*
*рангпар хиралик,*
*Ой юзига қора*
*сураман.*
*Мени ушлаб*
*қололмайдилар,*
*Мен эртага сизни*
*кўраман.*

*Хушламайман*
*юлдузлар базмин,*
*Юрагимга девор*
*ураман,*
*Кўксимдаги қоним*
*ҳаворанг,*
*Мен эртага сизни*
*кўраман.*

*Тонгга мени*
*йўлатмайди тун,*
*Пешонамни уриб*
*юраман.*
*Қуёш дўстим,*
*қайлардасан, сен,*
*Мен эртага сизни*
*кўраман.*

*Изтиробим уйқуга*
*талош,*
*Кўзи очиқ изни*
*кўраман.*
*Қоним ичиб кетди*
*бу кеча...*
*Мен шу бугун*
*сизни кўраман.*

### ТОПАСАН

Эл сени гар қўллаб турса, йўқлигингда йўқлаб борса,
Яхшиликлар ортган карвон, изларингдан топасан.

Ҳаққа ҳамма бирдек асли, бирдек ер-у ҳавомиз,
Бахтингга таъм қўшиб берган тузларингдан топасан.

Кимдир сени ёқтирдию, кимга эса ёқмадинг,
Билиб-билмай айтиб юрган сўзларингдан топасан.

Қоқилсанг гар тўғри йўлда, ишинг кетса чаппадан,
Борига ҳеч тўймайдиган кўзларингдан топасан.

Бир киприкни қоққан муддат ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз,
Кетмайман деб катта кетма, бўзларингдан топасан.

Бугун борсан, эрта борсан, индининг ҳам сен билан,
Тириклигинг шукронасин ўзларингдан топасан.

Ҳамид, сенга жонин берган ҳар яхшини ёдга ол,
Зотан, топган савобингни кузларингдан топасан.

**Ҳамид НОРҚУЛ.**




# УЧТА ҚЎЙНИНГ ПУЛИ

Суғурта идорасига ишга ўтганимга ой тўлмай, хотиннинг жағи очилиб қолди:

– Токайгача шу сариқ папкани қўлтиқлаб юрасиз, бизниям уйимиз куйсин, ё ҳеч бўлмаса қўйимиз ўлсин!

– Ҳов, хотин, мени жиноятга бошлама!

– Нимаси жиноят? Қоғозини тўғриласангиз бўлди-да!

– Нечта қоғоз кетишини биласанми ўзи? – бармоқларимни бир-бир букиб, санай кетдим.– Ҳаром ўлганлиги ҳақида мол дўхтири маълумотнома ёзиши керак – бир. Терисини топшириб, патта олиш лозим – икки. Учтўртта гувоҳ иштирокида акт тузилиши, остига қўл қўйилиши шарт – уч. Ишхонадаги ҳужжатларни гапирмай.

– Э, нима бўпти, ҳаммаси одам, гаплашсангиз бу ёғини келиштиришади.

Бунақа гаплар ҳар замонда айтилса, парво қилмасдим. Кунда бир, дам олиш кунлари уч-тўрт марта эшитаверсангиз сабрингиз тугар экан. Зора қулоғим тинчиса деб қўйимни "ўлдириш"га қарор қилиб, ҳужжат тўплашга киришдим.

Маҳалламиз қассоби мени пичоғини қайраганча кутиб олди:

– Неча кило тортай?

– Йўқ, менга гўшт эмас, тери керак, – дея дардимни достон қилдим.

Қассоб қайроқ билан чаккасини қашлаганча, ўйланиб қолди.

– Отақўзи! – деди у бирдан ортига ўгирилиб.

Қорача халат кийган йигит қўли кўксида пайдо бўлди. Қассоб ака тўрт килоча гўштни қоғозга ўраб, унга узатди.

– Мана шуни акангларникига, – у қоши билан менга имлади, – тезда ташлаб келгин.

– Бизникигами? – сўрадим ҳайрон бўлиб. – Бизга гўшт керак эмас, тери керак, тери.

– Гўшт ортиқчалик қилмайди, – қассоб кулиб давом этди. – Тери ҳақида ўйламасангиз ҳам бўлади. Ўзим топшириб, квитанция қилдириб ҳам қўяман. Иккита тери сиздан айлансин!

– Битта, битта тери... – дедим аранг.

– Э, битта бўлди нима, иккита бўлди нима? Бу ёғи ўзингизнинг қўлингизда-ку! – акам елкамга шаппатилаб, кузатиб қолди.

Мол дўхтирини уйидан осонгина топдим. Сўрига ёнбошлаб, чой шопириб ўтирган экан.

– Шу кунларда қорасон касаллиги жуда авж олган, – деди у мақсадимни англагач. Сўнг менга тушунтира кетди.– Жуда юқумли бўларкан бу хумпар касаллик. Бизнинг қўйларга қаердан юқди экан, кечагина соппа-соғ юрган жонивор, бугун эрталаб жон таслим қилиб турибди-ю!

Гапларининг мазмуни қаёққа қараб ўрмалаётганини сезиб, ер чиздим.

– Учала қўйга ҳам актларни тузиб, гувоҳларга қўл қўйдириб, кечгача тахт қилиб қўяман, бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Эрталаб кириб ўтарсиз, – деди у мен билан хайрлашар экан.

Икки кунда тўплаган ҳужжатларимни кўриб, хотин гул-гул очилиб кетди:

– Бўлар экан-ку, дадажониси, бўлар экан-ку!

– Ҳовлиқма. Буларнинг ҳаммаси насия, – дедим қовоғимни солиб.

– Нимаси насия. Бу ёғи ўзингизга боғлиқ энди, – деди кулимсираб.

Эртасига хотин қўлимга нақд эллик минг сўм пул тутқазди. Ҳайрон бўлиб боқдим шекилли:

– Битта қўйга қирқ мингдан тўлашса, бир юз йигирма минг бўлади. Қўлингизга пул тушса, босар-тусарингизни билмай қоласиз. Шунинг учун кетишингизда анови қассоб билан дўхтирга йигирма беш мингдан бериб, тинчитиб кетинг. Пулни олгач, тўғри уйга келинг! Улгуржи пулда барака бўлади, – деди қўлимга халтани бериб.

Қассоб акам йигирма беш мингни икки марталаб санагач, юзимга савол назари билан боқдилар. Қизардим, бўзардим. Бир сўз деёлмадим. "Ҳамкорлигимиз давом этади", деган шарт билан пулларни чўнтагига солди.

Мол дўхтири бунақаларни кўравериб кўзи пишиб кетганми, пулларни шириллатиб айлантириб кўрди-да, мамнун жилмайиб, елкамга қоқди.

Бошлиқ ҳужжатларим билан танишаркан:

– Иккови ҳам бир кунда ўлдими? – деб сўради негадир жилмайиб.

– Қорасон деган юқумли касаллик бор экан, – мол дўхтиридан эшитганларимни тутила-тутила айтган бўлдим. – Шу касаллик билан учови ҳам...

– Майли, илойим ажал икковига келган бўлсин! – деб бошлиқ иккита молим ўлгани тўғрисидаги ҳужжатларни қўлимга тутқазди.

Бошлиқнинг гапини қайтариш, ходимга хос бўлмаган одат.

Ҳисобчини бежизга рақамлар устаси демайдилар.

– Битта қўйингга қирқ беш минг берайми ё иккитасига эллик минг? – сўради дангал.

Беш минг зиёнига юрадиган аҳмоқ борми?

– Эллик минг! – дедим.

Эллик мингга қоғоз ёзиб, кассага ишора қилди. Борига барака деб пул санаб беришларини кутиб турсам, бирваракайига ўн битта ҳамкасбим мени ўраб олди:

– Муборак бўлсин, бирданига учта қўйинг ўлибди, қутлуғ бўлсин!

– Раҳмат, раҳмат! – дедим тишимнинг оқини кўрсатиб.

– Битта қўйнинг пулини бизга атасанг асаканг кетмас!? Чойхонага ўтаверасан, ош дамлаб турамиз, – дейишиб кассир узатган пулни олишди, шамолдай келиб, шамолдай кетишди.

Чойхонада учта қўйнинг пулини олган бойвачча сифатида тўрда ўтириб, ошларни еб, "Онажон, мен ҳам одам бўлдимми?" деган қўшиқни хиргойи қилганча уй томон йўл олдим.

Омад бир келса қўш келади-да. Йўлда ҳаром ўлган қўйларимнинг кўмилишида "қатнашиб", актлар остига имзо чеккан учта шоввоз учради.

– Битта қўйнинг ўндан бирини сарфласангиз нима бўлибди!?– деган илҳомбахш сўзлар билан кутиб олишди.

Яхши дўкон мудири таниш, насияга еди-ичдини берди, қолганига қарз бўлиб чиқдим.

Оёқларни аранг йўлга солиб уйга келсам, хотинбой ошларни дамлаб, мени кутиб ўтирган экан. Юзлари севинчдан яшнаб, саволга тутди:

– Олиб келдингизми, дадаси?

– Ҳа, эсон-омон келдим, – дедим гапини унча англамай.

– Яхши, яхши,– давом этди хоним ҳам сўзларимга унча тушунмай. – Ўзи қўйимиз ўлмай, уйимиз куйса бўларкан, янада кўпроқ пул олардик.

– Ҳечам афсус қилманг, хотинжон, афсус қилманг. Уйингиз куйди, уйингиз куйди! Куйиб адойи тамом бўлди! – дея бўлган воқеаларни оқизмай-томизмай айтиб бергандим, хотинбой гапларимга юз фоиз қўшилиб, юракдан чиқариб шанғиллади:

– Уйимиз куйди, уйимиз куйди!

**Саид АНВАР.**

## РАССОМ ХАНДАСИ




Официальный дилер GM "O'ZBEKISTAN"
ООО "Юнусобод авто савдо"
CHEVROLET
реализует автомобили:
NEXIA SONS
DAMAS
MATIZ
LASETTI
EPICA
NEXIA DONC
LASETTI BVD
CAPTIVA
MATIZ BEST
EPICA BVD
Товар сертифицирован
Наш адрес: г. Ташкент, пр. А. Темура, 79
Тел.: 223-95-18, 223-97-49, 223-95-84.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**Телефонлар:** Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Сайёра РИХСИЕВА**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-140. Адади 13000. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 25678